

ТОВЛАМАЧИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ТАВСИФИНING АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Рахимхўжаев Рустам Нишонхўжаевич

ИИВ Академияси кафедра бошлиғи

Мейлиев Нуриддин Нормурадович

ИИВ Академияси магистратура тингловчиси

Аннотация: Мақолада товламачилик жиноятини тезкор-қидирув тавсифи, элементлари, жиноятнинг тезкор-тактик ва тезкор-қидирув тавсифларининг ўзаро фарқли жиҳатлари бўйича тезкор-қидирув фаолиятида соҳа олимлари томонидан билдирилган фикрлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Тезкор-қидирув тавсиф, тезкор-тактик тавсиф, элемент, мулк.

ТҚФ назарияси ва амалиётига жиноятларнинг “тезкор-қидирув тавсифи” тушунчаси соҳа олимлари томонидан ўтган асрнинг 70-80-йилларида киритилган эди. Тезкор-қидирув тавсифи ТҚФ эҳтиёжларига хизмат қилган ҳолда, унинг мақсадларига мос келувчи муайян элементларга эга бўлиши лозим. Аммо ҳозиргача олимлар томонидан унинг мазмунини белгиловчи жиҳатлари ҳақида ҳар хил ёндошувлар мавжуд.

ТҚФ назарияси намоёндаларидан бири бўлган В.Д.Гребельский фикрига кўра, “тезкор-қидирув тавсиф – бу муайян турдаги ёки алоҳида гуруҳга мансуб жиноятларни аниқлашга имкон берувчи тезкор-қидирув тусмолларни илгари суриш ва текширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ бўлган жиний-ҳуқуқий, криминалистик, психологик ва бошқа тавсифдаги ахборот белгиларини ўз ичига олади”¹.

А.А. Хамдамов жиноятларнинг “тезкор-тактик тавсифи” ва “тезкор-қидирув тавсифи” тушунчалари ҳақида таҳлилий фикрлар билдириб, маълум бир тушунчани таърифлаш учун унга аниқ изоҳ бериш зарурлигини қайд этади. Бундан ташқари, у “тезкор-тактик тавсиф” тушунчасида “тезкор-қидирув тавсифи”нинг асосий элементи ҳамда жиноятнинг тезкор-қидирув тавсифига кирувчи барча элементларни ўзаро боғловчи бўғин бўлган тезкорлик унсури ҳам бўлиши кераклигини, “тезкор-қидирув тавсифи” тушунчаси “тезкор-тактик тавсиф” тушунчасига қараганда кенгроқ маъно англатишини таъкидлайди.

Юқорида номлари зикр этилган ҳуқуқшунос олим ва мутахассислар жиноятнинг “тезкор-тактик тавсифи”, “тезкор-қидирув тавсифи” тушунчаларига

¹ Гребельский В.Д. О соотношении криминалистических и оперативно-розыскных характеристик. Труды Академии МВД СССР.1984.с.70-73

берган таърифларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги фикрга келишимиз мумкин: *биринчидан*, жиноятнинг “тезкор-қидирув тавсифи” кенгрок тушунча бўлиб, “тезкор-тактик тавсиф”ни ҳам ўз ичига олади; *иккинчидан*, муайян жиноятни самарали фош этишда “тезкор-тактик тавсиф” тушунчаси қўлланилади; *учинчидан*, умумий маънода, жиноятларга қарши курашда “тезкор-қидирув тавсифи” тушунчасини қўллаш тўғри бўлади; *тўртинчидан*, ҳуқуқшунос олимларнинг мазкур икки тушунчага берган таърифларидан виктимологик, профилактик тавсифлар ўрганилмаганини кўриш мумкин.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқадиган хулоса шуки, фикримизча, тезкор-қидирув назарияси ва амалиётида жиноятларнинг “тезкор-қидирув тавсифи”, “тезкор-тактик тавсифи” тушунчаларини ўз ўрнида қўллаш керак. “Товламачилик жиноятининг тезкор-тактик тавсифи” ҳамда “товламачилик жиноятининг тезкор-қидирув тавсифи” тушунчаларига эса қуйидагича таъриф беришимиз тўғри бўлади.

Товламачилик жиноятининг тезкор-тактик тавсифи деганда ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ушбу жиноятни фош этишда жиноятчининг шахси, жиноят жойидаги излар, жиноятнинг содир этиш усули ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга айтилади.

Товламачилик жиноятининг тезкор-қидирув тавсифи деганда ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ушбу жиноятни олдини олиш, фош этиш мақсадида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни белгилашда ёрдам берувчи, маълумотлар (жиноий-ҳуқуқий, криминологик, виктимологик, профилактик, криминалистик, жиноят-протсессуал, психологик ва бошқа жиҳатлари)нинг йиғиндисига айтилади.

Товламачилик жиноятининг тезкор-қидирув тавсифи жиноий-ҳуқуқий тавсиф, криминологик тавсиф, виктимологик тавсиф, профилактик тавсиф, криминалистик тавсиф, жиноят-протсессуал тавсиф, психологик тавсиф ва бошқа тавсиф каби **саккизта элементни** ўз ичига олади.

ИИО тезкор бўлинмалари тезкор ходимларининг ушбу тавсифларни яхши билиши товламачилик жиноятини фош этишда катта имкониятлар беради.

Товламачилик жиноятининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи мазкур ижтимоий ҳавфли қилмишнинг ёлғиз ҳолда ёки гуруҳ таркибида содир этилишига хос хусусиятларни, айбдор шахсга нисбатан жиноят қонуни нормалари асосида жавобгарлик қўллаш (квалификация) масалаларини қамраб олади.

Таъкидлаш жоизки, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда жиноят қонуни алоҳида аҳамият касб этади, чунки жиноят қонунчилиги жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларидан бири ҳисобланади. Давлат жиноят деб ҳисобланиши лозим деб топилган қилмишларга айнан ана шу қонунлар асосида жиноят тусини беради, унга тегишли жазо

турини, миқдори ва муддатини белгилайди. Шунингдек, шахс содир этган ижтимоий хавфли қилмиши учун жиноят қонунида назарда тутилган жиноий жавобгарликка тортилиб, унга тегишли жазо тайинланади².

Қонунга кўра, *товламачилик деганда*, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топширишни, мулкрий манфаатлар беришни ёхуд мулкрий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш тушунилади³.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддаси бўйича товламачилик жинояти юридик таҳлил қилинганида, жиноят таркибининг тўртта элементи ўрганилади. Товламачилик жинояти кўп объектли бўлиб, ушбу жиноятнинг *бевосита объекти* мулкрий муносабатлар, *қўшимча объекти* эса, жабрланувчи ва унинг яқин кишиларини шаъни ва кадр-қиммати ҳамда уларнинг шахсий дахлсизлиги ва соғлиғини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Товламачилик жиноятининг *предмети* ўзига хос ҳисобланиб, қуйидагилардан иборатдир: 1) мулк; 2) мулкрий ҳуқуқ; 3) мулкрий манфаатлар; 4) мулкрий йўсиндаги ҳаракатлар ҳисобланади.

Мазкур жиноятнинг *предмети* ҳисобланган мулк кўчмас мулк (дала ҳовли, уй ва ш. к.) ёки кўчар мулклар бўлиши мумкин.

Мулк деганда, борликда мавжуд бўлган моддий қимматликлар тушунилади, бироқ моддий қийматлик ҳисобланган мулклар жамият учун хавф туғдирувчи ашёлар бўлмаслиги керак. Масалан, ўкотар қуроллар, портловчи моддалар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар ва бошқа шу кабилар.

Мулкрий ҳуқуқ деганда, мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ёки уларгатасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи (қарз тилхати, васиятнома, ишончнома ва бошқ.) ҳужжатлар тушунилади.

Мулкрий манфаатлар деганда, товламачига мулкрий манфаатлар берадиган юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни содир этиш тушунилади (масалан, шахснинг хизмат мажбуриятларини бажармаслик эвазига тижорат ташкилотига ишга қабул қилиш, васиятномани ўзгартириш, мавжуд қарзларидан воз кечиш, ташкилотнинг даромад улушига қўшиш ва бошқ.).

² Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарелик / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – Б. 10.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/docs/111453>

Мулкий йўсиндаги ҳаракатлар деганда, меҳнатни ҳеч қандай ҳақсиз, текинга бажариш (масалан, уйни текинга таъмирлаб бериш) ёки ишлаб бериш ҳаракатлари тушунилади.

Таҳлил этилаётган жиноятнинг объектив томони қуйидагиларда ифодаланади:

жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгандан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш;

жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш.

Товламачилик объектив томонининг биринчи кўринишдаги ҳолати икки алоҳида белгилар мавжудлигини назарда тутди.

Унинг биринчи белгиси, мулк, мулкий ҳуқуқ, мулкий манфаатлар ва мулкий йўсиндаги ҳаракатларни содир этишни талаб қилишда ифодаланади.

Талаб қилиш – бу буйруқ каби кўрсатмадир. Талаб турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин, масалан оғзаки, ёзма, телефон алоқаси ёрдамида ва ҳ.к. Талаб қилишнинг тузилиши талабни бажариш кўринишида акс этиши лозим. Шу боис товламачиликдаги талабни илтимосдан фарқлаш зарур.

Талаб қилишнинг илтимосдан фарқи, шахс илтимос қилишда шахс имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, масалан, ҳал қилиб беришни (илтимосни бажаришни) сўрайди, талаб қилишда эса мазкур қўйилган талабни сўзсиз бажаришни тақозо этади.

Товламачилик жинояти объектив томонининг иккинчи белгиси бу қўрқитишдир.

Қўрқитиш қуйидаги уч шаклда намоён бўлади: 1) зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш; 2) мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан қўрқитиш; 3) жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиш.

Зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш қийнаш билан қўрқитиш, соғлиғига шикаст етказиш билан қўрқитиш, ўлдириш билан қўрқитиш ва шу каби таҳдидларда ифодаланиши мумкин.

Қўрқитишнинг барча хусусиятлари жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига қаратилиши керак.

Жабрланувчи учун яқин кишилар деганда, яқин қариндошлар (қариндош ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар, яъни ота-она, ака-ука ва опа-сингиллар, эр-хотин, фарзанд, шу жумладан фарзандликка олинганлар, неваралар, шунингдек эр-хотиннинг ота- онаси, ака-ука ва опа-сингиллар) ҳамда

ҳаётий жараёнларда ҳаёти ёки соғлиғи жабрланувчи учун муҳим бўлган шахслар (масалан, қайлиғи, яқин дўсти ва бошқ.) тушунилади.

Кўрқитишнинг хусусиятлари жиноятни квалификация қилишда аҳамият касб этмайди, балки жазо тайинлашда инобатга олинади.

Товламачиликдаги кўрқитиш товламачи қўйган талабларни бажармаслик ҳолатларида, зўрликни келажакда қўллаш билан содир этилган бўлиши керак.

Мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан кўрқитиш, жабрланувчи ёки унинг яқинлари мулкига моддий зарар етказиш учун таҳдид қилишни англатади (уйига ўт қўйиб юбориш, автомашинасига қасддан зарар етказиш билан кўрқитиш ва шу кабилар).

Жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш деганда, жабрланувчи ёки унинг яқинлари томонидан сир сақланиши лозим деб ҳисобланадиган (қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган, уларни уялтирадиган) маълумотларни тарқатиш тушунилади. Бундай маълумотлар ёлғон уйдирмали ёки ҳақиқий маълумотлар бўлиши мумкин. Масалан, шахсни таносил ёки ОИВ касаллиғи / ОИТС билан касалланганлигини ошкор қилиш ва ҳ. к.

Товламачи маълумотларни бир неча шахслар орасида (масалан, бирга ишлайдиган ходимлар ёки алоҳида шахсларга) тарқатиш билан кўрқитиши мумкин.

Товламачиликдаги кўрқитиш аниқ хусусиятга эга бўлиши билан бирга, унинг қўлланилиши жабрланувчи учун маълум бўлиши лозим.

Товламачилик жинояти ўзгандан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилган вақтдан бошлаб *туғалланган* ҳисобланади.

Товламачилик жинояти *субъекти* 14 ёшга тўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

Субъектив томондан товламачилик тўғри қасдда ифодаланади, яъни айбдор жабрланувчидан унга ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаган ўзганинг мулкани талаб қилаётганлигини англайди ва уни содир этишни хоҳлайди.

«Қарздордан қарзни талаб қилиш Жиноят кодексининг 165-моддаси билан тавсифланиши мумкин эмас, лекин айримҳолларда ўзбошимчалик (ЖК 229-м.) тариқасида баҳоланиши лозим». Агарда қилмишда қарздор ва қарз берувчи ўртасида фоизлар тўлаш бўйича олдиндан келишув бўлмаган бўлса, берилган қарз учунфоиз талаб қилиш товламачилик жинояти таркибини ташкил қилади⁴. «Қандай бўлмасин мулкий манфаатдор бўлиш мақсадида товарларни бозорга эркин кириб келишига ҳар қандай йўсинда тўсқинлик қилиш, маҳсулот ишлаб

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида»ги 1998 йил 17 апрель 11-сонли қарори.

чиқарувчиларни бозордан сиқиб чиқариш, ўта юқори нархларни сунъий равишда сақлаб туриш тўғрисида талаб қўйиш ва товар эгасига, бозор маъмуриятиёки ўзга шахсларга нисбатан зўрлик ишлатиш, уларни зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, мулкига шикаст етказиш ёки мулкининобуд қилиш билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар товламачилик (рэккет) тариқасида Жиноят кодексининг 165-моддаси билан квалификация қилинмоғи лозим. Товламачилик мулкрий манфаатдор бўлиш мақсадида талаб қўйишда ёхуд товламачи фойдасига мулкрий характердаги ҳаракатларни содир этишда (товарни паст нархда ёхуд текинга беришда, товарни зўрлик ишлатиб олиб қўйишда ва ш.к.) ифодаланиши мумкин⁵.

С.С.Ниёзова ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-торож қилишнинг назарий-ҳуқуқий муаммоларини ҳал қилишда жиноят қонунчилиги нормаларининг таъсирчанлигини ошириш лозим деб ҳисоблайди⁶.

Тезкор ходимлар товламачилик жиноятининг жиноий-ҳуқуқий тавсифи ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишлари лозим, чунки бу уларнинг мавжуд ҳолатга ҳуқуқий жиҳатдан тўғри баҳо беришларига хизмат қилади.

Товламачилик жиноятининг криминологик тавсифи ушбу жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳамда уни содир этган шахс ҳақидаги криминологик маълумотлар мажмуидир.

Криминологияда жиноий ҳодисани келтириб чиқарувчи “сабаб”, “шароит”, “жिनотчи”, “жिनотчининг шахси” каби муҳим илмий категориялар ўрганилади. “Жиноятчининг шахси” тушунчаси мазкур шахснинг ижтимоий белгиларини ўзига хос тарзда ифодалаб, унинг “ижтимоий қиёфаси”ни очиб беришга хизмат қилади⁷.

Товламачилик жиноятларига оид жиноят ишидаги айблов хулосалари таҳлил қилинганида мазкур жиноятларни содир этган шахсларга оид қўйидаги фактлар аниқланди: айбдор шахсларнинг жинси бўйича: ушбу жиноятларнинг асосий қисмини, яъни 92,2 фоизини эркаклар, қолган қисмини аёллар содир этган; ёши бўйича: товламачиларнинг 63 фоизини – ёшлар; қолган қисмини катта ёшдаги шахслар содир этган; ижтимоий ҳолати бўйича: уларнинг 47,4 фоизини – яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган илгари судланганлар (уларнинг 12,7 фоизи хавфли рецидивистлардир), 43 фоизини – илгари судланмаган вақтинча ишсизлар; 9,6 фоизини – спиртли ичимликлар,

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Савдо соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 1996 йил 15 март 9-сонли қарори.

⁶ Ниёзова С.С. Ўзгалар мулкини иштирокчиликда талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Т., 2006. — Б. 14.

⁷ Криминология: Дарслик / Проф. З.С.Зариповнинг умумий таҳрири остида. — Т., 2007. — Б. 84.

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишга одатланган шахслар ташкил этган⁸.

Эмпирик материалларни ўрганиш асосида хулоса чиқарадиган бўлсак, товламачилик жиноятини содир этган шахслар жиноий жазодан қочишга уринадилар ёки ҳаммага маълум бўлган жиноят содир этиш усулларидан воз кечиб, янги усулларини ўйлаб топишга ҳаракат қиладилар. Мисол учун, тадқиқот ишига алоқадор жиноят иши ўрганилганида ҳозирги кунда аксарият жиноятлар интернет тармоғидан фойдаланиб, содир этилгани маълум бўлди⁹.

Юқоридагилар таҳлилидан келиб чиқиб, товламачилик жиноятининг жиноий-ҳуқуқий ва криминологик тавсифи юзасидан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

товламачилик жинояти бошқа турдош жиноятлардан фарқ қилиши;

жиноят қонунчилиги нормасининг таъсирчанлигини ошириш зарурлиги;

махсус чораларни қўллаш муҳимлиги;

жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, хусусан ишсизликни ҳисобга олиш кераклиги; айрим оилалар турмуш даражасининг пастлиги; ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва бошқа иллатларни ўрганиш зарурлиги ҳақида хулосага келиш мумкин.

Тезкор ходим товламачилик жиноятининг криминологик тавсифидан хабардор бўлиши бу турдаги жиноятлар қандай шароитда ва ҳолатда содир этилишини билишига имкон яратади. Товламачилик жиноятининг виктимологик тавсифи мазкур жиноятдан моддий, жисмоний ва маънавий зарар кўрган шахс, яъни жабрланувчи ҳақидаги билимлардан ташкил топади.

Товламачилик жиноятининг содир этилишида жабрланувчининг хулқ-атвори ҳам ўзига хос виктимологик аҳамиятга эга. Агар жиноят олдиндан режалаштирилган бўлса, жабрланувчи сифатида асосан моддий жиҳатдан ўзига тўқ, бой-бадавлат шахс танланади. Бунда жабрланувчининг ижтимоий мақоми, шуғулланадиган фаолият тури, пули, қимматбаҳо буюмлари мавжудлиги каби омиллар муҳим роль ўйнайди. Бундай омиллар жабрланувчининг шахси билан боғлиқ виктимликни оширади. Бундай жабрланувчиларнинг кўпчилигини савдотик ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ташкил қилади¹⁰.

Одатда жиноятчилар товламачилик предметини уларга бериш вақти, усули ва жойини ўзлари тайинлайдилар. Товламачилик предмети қўлдан қўлга берилиши

⁸ Ушбу статистик маълумотлар товламачилик жиноятларига оид айблов хулосаларини таҳлил қилиш асосида тайёрланди.

⁹ Шерибаевич, УХ, и Шермат о'гли, ҚМ (2023). КИБЕРДЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШИШНИНГ АХАМИЯТИ. Лучшие интеллектуальные исследования, 11 (5), 151-161.

¹⁰ Виктимология: Дарслик / Қ.Р.Абдурашулова, А.Г.Закирова, Ф.М.Мухитдинов ва бошқ.; — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. — Б. 204–206; Кузмин А.Н. Предупреждение оперативно-розыскными мерами корыстных преступлений, совершаемых в системе торговли промышленными товарами: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 1984. — 19 с.

мумкин. Жиноят содир этиш жойи товламачиликнинг тури ва содир этилиш усулига боғлиқ.

Бундай жойларга жиноят қурбонининг яшаш ёки ишлаш жойи, кўча ёки дам олиш жойлари, дала ҳовлилар, машиналар, бўм-бўш жойлар, қурилиш майдонлари, ташландиқ бинолар, бошқа одам яшамайдиган бинолар ва кузатиш имкони бўлмаган бошқа жойлар киради. Айрим ҳолларда бу жойлар махсус тайёрланган ҳамда жиноят қурбонини сақлаш ва қийнаш учун жиҳозланган бўлади.

Товламачиликни содир этиш вақти, биринчи навбатда, тажовуз предметига, содир этилиш жойига ва криминал вазиятга боғлиқ бўлади. Ушбу жиноий фаолиятнинг вақт доираси 80% ҳолларда кундузги давр билан чекланади. Агар мулкни топшириш талаби яшаш жойида амалга оширилса, бу асосан кечқурунги соатларда бўлади. Иш жойидаги товламачилик талаблари эрталаб ёки тушдан кейинги вақтда амалга оширилади.

Ижтимоий мақомига кўра товламачиларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Булар, бир томондан, аниқ кўриниб турган жиноий элементлар, жиноий гуруҳлар аъзолари бўлса, бошқа томондан, ташқаридан қараганда қонунга итоаткор тижорат тузилмаларининг ходимлари, баъзан ҳатто ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, айрим вақтларда банк ва фирмаларнинг юқори мартабали ходимларидир.

Товламачилик қурбонларини ҳам икки гуруҳга бўлса бўлади. Биринчи гуруҳга қонунга итоаткор, кўпинча тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар киради, аммо ўз хизмат вазифаларига кўра мулкни бошқариш, экспорт-импорт операциялари учун квоталарни тақсимлаш, ер майдонлари ажратиш, хоналарни ижарага бериш кабилар билан шуғулланувчи давлат хизматчилари ҳам кириши мумкин.

Иккинчи гуруҳга – фаолияти ғайриқонуний хусусиятга эга бўлган шахслар: порахўрлар, ноқонуний ва шубҳали битимлар иштирокчилари, пулларни нақдлаштириш ва ювишдаги воситачилар ҳамда бошқалар киради. Айрим ҳолларда товламачилик жиноий гуруҳлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш, жиноий фаолият таъсир доирасини қайта тақсимлаш воситасига айланади.

Товламачиликни содир этиш усуллари жуда хилма-хил, баъзан ниҳоятда нозик ва кўплаб ҳолатлар билан, жумладан товламачиларнинг «малакаси», жабрланувчининг шахси, жиноий тажовуз предмети, жиноят содир этиш вақтида юзага келаётган вазият билан боғлиқ бўлади. Улар турли асослар бўйича таснифланади. Айрим ҳолларда жиноятчиларнинг жабрланувчиларга таъсир кўрсатиш характери ана шундай асос қилиб олинади. Бунда таъсир кўрсатишнинг учта усули ажратилади.

Биринчиси – психологик хусусиятга эга бўлган тахдидлар бўлиб, уларга куч ишлатиш билан кўрқитиш ҳамда бевосита жисмоний куч ишлатиш киради.

Таъсир кўрсатишнинг иккинчи усули – жабрланувчини шарманда қилувчи ёки унинг учун кўнгилсиз бўлган бошқа маълумотларни, яъни тижорат фаолияти ва технологик жараёнлар сирини; ноқонуний олинаётган даромадлар, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни; жинсий алоқалари ва шу кабиларни ошкор этиш билан кўрқитишдир.

Жиноятчиларга таъсир этишнинг учинчи усули – жабрланувчиларга тегишли бўлган ёки у фойдаланаётган мулкни йўқ қилиш ёки шикастлаш тахдиди.

Умуман олганда, товламачиликка юқори даражадаги латентлик хос бўлиб, бу қуйидаги сабабларга кўра ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этишни истамаслик билан боғлиқдир:

а) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари лозим даражадаги кўриқлаш ва ҳимояни таъминлай олишига ишонмаслик;

б) жабрланувчининг ўзи жиноий ҳаёт кечириш ва шу боис ўзи ҳам жавобгарликка тортилиши мумкинлигидан хавотирланиш.

Д.В.Гребелский тезкор ходимнинг шахсий ташаббускорлик билан жабрланувчи ва гувоҳлардан ёрдам олиши, уларнинг ўз хоҳишига кўра, жиноятни фош этишда ёрдам бериши, албатта, самара бериши мумкинлигини таъкидлаган¹¹. Товламачилик жиноятини фош этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг жиноятларни фош этишдаги кўмаklarини қонуний ҳужжатлаштириш чораларини кўриш лозим.

Товламачилик жиноятининг *психологик тавсифи* деганда мазкур жиноятни содир этган шахснинг психологик ҳолатларига эътибор қаратиш лозимлигини англатади, яъни жиноят содир этган шахснинг рухий ҳолати билан боғлиқ ўзига хос хусусиятига, шахснинг эмоционал психологик ҳолатларига эътибор қаратиш жуда муҳим. Товламачилик жиноятининг психологик жиҳати ўзида жиноятчи шахси ва унинг ўзига хос психологик хусусиятини намоён этади. Жиноятчи шахснинг ички дунёсини англаш учун унинг ҳаётда тутган ўрни, атроф-муҳитдаги воқелик, инсон, жамият, давлат, қонун, меҳнат кабиларга муносабатини билиш лозим. Буни эса унинг эҳтиёжлари, маънавий йўналишлари ва фаолияти мотивини ўрганмай туриб амалга ошириб бўлмайди. Яъни ҳар қандай жиноий фаолият кўп жиҳатдан жиноятчининг ўзига хос индивидуал-психологик хусусиятларига боғлиқ¹².

¹¹Оперативно-розыскная деятельность органов внутренних дел: Учебник / Под ред. А. Г. Лекаря, Д. Гребельского. — М., 1972. — 118 с.

¹² Душанов Р.Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2011. — Б. 14.